

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 180-ҳадис

180 – عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ مَكَّةَ عَامَ الْفَتْحِ، وَعَلَى رَأْسِهِ مِعْفَرٌ، فَلَمَّا تَرَعَهُ جَاءَهُ رَجُلٌ، فَقَالَ: ابْنُ حَطَلٍ مُتَعَلِّقٌ بِأَسْتَارِ الْكَعْبَةِ، فَقَالَ: «اقتُلوه؟»، فَقَالَ مَالِكٌ: نَعَمْ.

[خ 1846، م 1357، ت 1693، س 2867، د 2685، ج 2805].

Анас ибн Моликдан ривот қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Фатҳ йили Маккага бошларида дубулға билан кирдилар. Уни ечганларида, бир киши келиб, «Ибн Хатал каъбапўшга осилиб олибди», деди. Шунда у зот: «**Уни қатл қилинглар**», дедилар», деб айтиб берганми?» дедим. Молик: «Ҳа», деди».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилишган.

Изоҳ: Бу ривоятдан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка фатҳида Ҳарам ҳудудига эҳромсиз, жанг кийимида кирганлари англашилади. Саҳобалар ҳам эҳром боғлашмаган эди. Жанг бўлиши эҳтимоли юқори бўлгани учун шундай қилинган.

Шофеъий мазҳабида ушбу ҳадисни далил қилиб, Маккаи Мукаррамага эҳромсиз кириш мумкин, дейилган. Ҳанафий мазҳаби ва жумҳур уламоларнинг наздида эса Маккага эҳромсиз кириш мумкин эмас. Улар ҳам ўз сўзларига бир қанча далилларни келтирадилар. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху: «Маккага бирор тожир, бирор ҳожатталаб эҳромсиз кира олмайди», деган. Макка фатҳида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эҳромсиз киришлари вазиятга хос ҳолат бўлган.

Ибн Хатал аввал мусулмон бўлган. Бир куни Набий алайҳиссалом уни бир

ансорий билан бирга закот тўплашга юборганлар. Бироқ Ибн Хатал йўлда ансорий шеригини ўлдириб, ўзи мушрик бўлиб кетган. Шунинг учун Набий алайҳиссалом Макка фатҳида уни қатл қилишни буюрганлар. У эса ҳийла йўлини тутиб, жонини сақлаш учун Каъбапўшга осилиб олади. Аммо вазият тақозосига кўра истисно равишда ҳукм ижро қилинади. Буни айрим уламолар маълум жиноятга қўл урган кишилар ҳарам ҳудудида бўлса ҳам жазоланишига далил қилса, бошқалар бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга вақтинчалик берилган, ўша соатга хос ҳукм дейдилар.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI